

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки
Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
1-сонли баёнидан кўчирма

Умумий йиғилиш санаси ва вақти: 2020 йил 7 июль Соат: 11-00

Умумий йиғилиш ўтказилган жой: 100096, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
Қатортол кўчаси, 46 уй, манзилида жойлашган
банкнинг Бош офиси

Овоз бериш ҳуқуқига эга жойлаштирилган жами акциялар миқдори – 4 230 911 952 дона оддий акциялар.

Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар вакиллари:
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Абдушукуров Жамшид	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Абдигалипович	департамент директори
	<i>(1 264 778 912 дона оддий акциялар)</i>

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси:

Ибрагимов Джамол Камилович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт
	жамғармаси бошқарма бошлиги ўринбосари
	<i>(2 966 133 040 дона оддий акциялар)</i>

Қатнашдилар:

Банк Кенгаши аъзолари, Бошқарув аъзолари ва тегишли таркибий тузилма раҳбарлари.

Умумий йиғилишга Раислик қилувчи: банк Кенгаши аъзоси – Д.К. Ибрагимов.

Аввалги Санок комиссияси раиси Капланбеков Анвар Хамидуллаевич йиғилиш қатнашчиларига навбатдан ташқари умумий йиғилишда қатнашаётган овозларнинг умумий сони 4 230 911 952 донани ёки банкнинг барча овоз берувчи акцияларининг 100 фоизини *(2020 йил 1 июль санасига шакллантирилган банк акциядорлари реестрига асосан)* ташкил этишини ҳамда банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ваколатли ва кворумга эга эканлиги тўғрисида ахборот берди *(акциядорлар реестри илова қилинади)*.

Умумий йиғилишда банк Акциядорларининг икки вакили ишончнома асосида иштирок этмоқда.

Йиғилиш Раиси Д.К. Ибрагимов Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва навбатдан ташқари умумий йиғилишда котиблик қилиш учун Ғазначилик департаменти директори в.б. Юлдашев Уктам Абдусатторович номзодини таклиф этди.

Банк акциядорлари бир овоздан умумий йиғилиш котиби этиб - Юлдашев Уктам Абдусатторович номзодини тасдиқлади.

Банк акциядорлари умумий йиғилишда кун тартибидаги овозларни ҳисоблаш учун банк Кенгаши тавсия қилган Санок комиссиясининг қуйидаги янги таркибини бир овоздан тасдиқлади.

1. А.Х. Капланбеков – банкнинг Ғазначилик департаменти бошқарма бошлиги;
2. И.Х. Усаров – банкнинг Юридик департаменти бўлим бошлиги;
3. З.Ю. Исмаилова – банкнинг Ғазначилик департаменти бош мутахассиси.

Умумий йиғилишни ўтказишда, кун тартибидаги масала бўйича сўзга чиқиш ва уни муҳокама қилиш учун йиғилиш Регламенти акциядорлар томонидан бир овоздан қуйидагича тасдиқланди:

- кун тартибидаги масала бўйича сўзга чиқиш учун - 5 дақиқа;
- кун тартибидаги масалани муҳокама қилиш учун - 5 дақиқа;
- Саноқ комиссиясига овозларни ҳисоблаш учун - 10 дақиқа вақт ажратиш.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш.

Кун тартибидаги масала: “Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш”.

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилиш Раиси Д.К. Ибрагимов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сонли Қарорига асосан, устав капитали (фонди)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари Кузатув кенгашлари (банк кенгашлари) аъзолигига давлат улуши бўйича номзодларни кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда амалга оширилиши лозимлигини таъкидлади.

Банк акциядори ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 11 июндаги 02/02-29-36/607-сонли хатида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 65-моддасига мувофиқ банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ва кун тартибига банк Кенгаши аъзоларини сайлаш масаласини киритиш сўралган.

Шунингдек, мазкур хатда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоровнинг 2020 йил 8 июндаги 02/1-3331-сонли топширигига мувофиқ, давлат иштирокидаги банкларнинг кузатув кенгашларига номзодлар Вазирлар Маҳкамаси билан келишилганлиги маълум қилинган.

Шу асосида, банк Кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

- 1) Ишметов Тимур Аманджанович – Ўзбекистон Республикаси Молия вазири;
- 2) Бобоев Адиз Музафарович – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари;
- 3) Ибрагимов Джамол Камилевич – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамгармаси бошқарма бошлиги ўринбосари;
- 4) Зайнутдинов Сирожиддин – Россия Федерацияси “Группа ИЛИМ” акциядорлик жамияти Ички аудит бўйича Вице Президенти;
- 5) Сирил Латроч – Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида Мубадала Инвестиция компанияси биринчи Вице Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамгармаси 2020 йил 30 январдаги УМ-06/05-104-сонли хатида банк Кенгаши таркибига жамгарманинг бошқарма бошлиги ўринбосари Ибрагимов Джамол Камилевич номзодини тақдим этган.

Шунингдек, Банк акциядорларининг келгусидаги Умумий йигилиши кун тартибига

- замонавий Корпоратив бошқарув бўйича хорижий тажрибаларни инобатга олиб, банк Кенгаши томонидан ташкил этилган Аудит қўмитаси ва Рискларни бошқариш қўмитаси ҳамда келгусида ташкил этилиши мумкин бўлган қўмиталар аъзолари айнан бир шахслар таркибидан иборат бўлишини, шунингдек банк Кенгашининг бир аъзоси бир вақтнинг ўзида турли қўмиталар раиси бўлишининг олдини олиш мақсадида, банк Кенгаши таркибини амалдаги 5 (беш) аъзодан 7 (етти) аъзога кўпайтириш ҳамда банк Уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчлар киритиш масаласини;

- банк Кенгаши таркибига хорижий мутахассислар жалб этилаётганлигини инобатга олиб, “Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар тўғрисида”ги Низомга амалдаги қонунчилик талаблари асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчлар киритиш ёки янги тахрирда тасдиқлаш масаласини киритиш таклиф этилди;

Амалдаги банк Уставига мувофиқ банк Кенгаши аъзолари сони 5 кишидан иборат бўлиши белгиланган бўлиб, Акциядорлардан банк Кенгаши аъзолигига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун махсус “К” шаклдаги бюллетенга қайд этган ҳолда овоз беришлари сўралди.

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича умумий йигилиш,

Қарор қилади:

1. Банк Кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин:

- 1) Ишметов Тимур Аминджанович – Ўзбекистон Республикаси Молия вазири;
- 2) Бобоев Адиз Музафарович – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари;
- 3) Ибрагимов Джамол Камолович – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бошқарма бошлиги ўринбосари;
- 4) Зайнутдинов Сирожиддин – Россия Федерацияси “Группа ИЛИМ” акциядорлик жамияти Ички аудит бўйича Вице Президенти;
- 5) Сирил Латроч – Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида Мубадала Инвестиция компанияси биринчи Вице Президенти.

2. Банк акциядорларининг келгусидаги Умумий йигилиши кун тартибига:

- замонавий Корпоратив бошқарув бўйича хорижий тажрибаларни инобатга олиб, банк Кенгаши томонидан ташкил этилган Аудит қўмитаси ва Рискларни бошқариш қўмитаси ҳамда келгусида ташкил этилиши мумкин бўлган қўмиталар аъзолари айнан бир шахслар таркибидан иборат бўлишини, шунингдек банк Кенгашининг бир аъзоси бир вақтнинг ўзида турли қўмиталар раиси бўлишининг олдини олиш мақсадида, банк Кенгаши таркибини амалдаги 5 (беш) аъзодан 7 (етти) аъзога кўпайтириш ҳамда банк Уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчлар киритиш масаласи киритилиши;

- банк Кенгаши таркибига хорижий мутахассислар жалб этилаётганлигини инобатга олиб, “Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар тўғрисида”ги Низомга амалдаги қонунчилик талаблари асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчлар киритиш ёки янги тахрирда тасдиқлаш масаласи киритилиши белгилансин.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 4 230 911 952 та овоз, “Қарши” – 0 та овоз, “Бетараф” – 0 та овоз.

Банк Акциядорлари умумий йиғилиши кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш натижалари Санок комиссиясининг овоз бериш яқунлари бўйича баённомаси асосида акс эттирилди (илова қилинади).

Баённома тузилган сана:

Умумий йиғилиш Раиси

Умумий йиғилиш котиби



2020 йил 17 июль

Д.К. Ибрагимов

У.А. Юлдашев

ASLIGA TO'G'RI